

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ

ОҚИШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1986 йил 1
июлдан чиқа бошлаган.

№ 116 (6. 007) • 1986 йил 21 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII
съезди
қарорлари —
ҳаётга

ВАҚТДАН ЎЗИБ

«Хар биримиз самарали
ва унумли ишлайлик!»
Электр техника заводининг
коллективи ана шундай шпор
остида меҳнат қилмоқда. Бел-
лашув иши ва хизматчилар-
нинг ижодий фаоллигини ўс-
тириб, қўшимча резервларин

жорий этишга шароит яра-
тапти. Натижада бугун
эришилган рекорд натижа
эртага нормага айланим. Ҳозир
қўлгина бригадалар
йилнинг иккинчи ярми ҳи-
собига маҳсулот тайёрлаёт-
ганлиги бунинг далилидир.

6-цехдаги Владимир
Хаустов етакчилиги қилаётган
слесарь-инженер бригадаси
алоҳида намуна кўрсатмоқда.
Бу коллективда ўзаро ҳам-
корлик қарор тошган. Ҳар
бир ишчи уч-тўрт хил
операцияни бажаришни му-

камал билади. Шу туфайли
иш вақтининг ҳар бир дақи-
қасидан самарали фойдала-
нилади. Бригада корхонада
биринчи бўлиб етти ойлик
тошпирикни бажарганлиги-
нинг сабаби ҳам шунда.

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ IX ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мам-
лакатлари IX Халқаро кинофестивалининг
қатнашчилари ва меҳмонларини саманай
табриклайман.

Бизнинг мамлакатимиз ҳозир дадил ам-
алий режалар, қизғин ишлар даврида яша-
моқда. Сизларнинг ҳар бирингиз фести-
валда бўлиб, Совет кишилари КПСС XXVII
съезидан кейин қандай муҳитда яшаб,
меҳнат қилаётганлигини реал ҳис эта
оласизлар, деган умидам.

Замондошимизнинг ташвиш ва қувонч-
лари, юмушлари ва орзу-умидлари дунёс-
ида кенг ва гойат кўпма-қилди. Аммо
ҳозир инсоният икки йўлдан бирини тан-
лаб олишдан низоҳатда жиддий муаммо ол-
дида турганини энг асосий масаладир. Гап
ер юзюда ҳаётни саябат қилиш тўғрисида
бормоқда. Имперализм мақсули бўлган
ядро курули цивилизациянинг барча ютуқ-
ларини йўқ қилишга қодир кучга эгадир.
Шу боисдан ҳам XX аср охиригача ялпи
қирғин курулини йўқ қилиш ва уруш ҳа-
фнинг олдин олиш программаси Совет
давлати ташқи сиёсатининг асосидир. Шу
боисдан ҳам биз ядро синовларини илти-
рий равишда тўхтатишдан иборат тадбир-
миз муҳаддирини ана бир бор узайтириш

тўғрисида қарор қабул қилдик.
Биз бирдан-бир оқилона тарихий истиқ-
бол — тинч, бахтиёр келажикни барпо этиш
учун сабот билан курашмоқдамиз. Соци-
ализм урушларини идеологик ва сиёсий ни-
золарни ҳал этиш воситаси сифатида сўз-
сиз рад қилади. Курул-яроғсиз ва зўра-
воликсиз дунё — социализм идеалидир,
бундай дунёда ҳар бир халқ ўзининг ри-
вожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эри-
ки танлаб олади.

Инсонпарварлик голларини ҳимоя қилиш-
да илгор санъатнинг роли нақадар катта
эканлигини тарих неча марталиб исботлади.
Гойат қўлчиларни қараб оладиган прогрес-
сив кино даврининг илгор голларини барқ-
сиз қилиш учун, мамлакатлар билан халқ-
лар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик
нинг таъинмаси учун кўп иш қилиши мумкин.
Тошкентдаги бу гапни урғулаш ҳам ана
шундай олижаноб мақсадларга хизмат қи-
лаётганга аминман.

Фестивалининг барча қатнашчилари ҳам-
да меҳмонларига кин қалбдан самарали
милашларини, ижодий зафарлар, бахт-са-
дат ва тинчлик тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

ТИНЧЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИ ҚАРОР ТОПТИРИБ

Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IX Халқаро кинофестивали тантанали равишда очилди

Жаҳон тараққиётпарвар
кинოსи экранда дўстлик ва
халис ниятнинг ёрқин нури
порлаб турибди. У нотинч
сайёрамиз ҳаётидаги таш-
вишлар ва орзу-умидларини
ифодалаб, инсонпарварлик
ғояларини ҳимоя қилишда,
замонамизнинг илгор ғояла-
рини қарор топтиришда, мам-
лакатлар ва халқлар ўрта-
сида ҳамжиҳатлик ҳамда
ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш-
да муҳим роль ўйнамоқда.

Осиё, Африка ва Лотин
Америкаси мамлакатлари-
нинг анъанавий Тошкент
кинофестивали мана шуларни
эзр жоизба кучи билан на-
мойиш этмоқда. Ўзбекистон
пойтахти миллий кинемато-
графияларнинг намоёндалар-
ини тўққизинчи марта йи-
ғиб, халқаро май анжуман-
ларининг «Тинчлик, социал
тараққиёт ва халқлар озо-
длиги учун» шпорини азиз
қилиб ардоқлайдиран санъат-
корларга ўз экранини бериб
қўйди.

Уч қитъа санъат усталари-
нинг бу гапни урғулаш
ўтаётган вақтининг ўзи унга
алоҳида маъно ва оҳанг
бахш этади, зеро бу урғулаш
Бирлашган Миллатлар Таш-
килоти Халқаро тинчлик йи-
ли деб эълон қилган йилда
ўтмоқда.

Тошкент кўригининг дўст-
лари йил сайин кўпаймоқда.
Унинг биринчи афишасида
49 мамлакат кинематограф-
чилари суратга олган 105
та лентанинг номи ёзилган
эди. Ҳозир унда юздан ортиқ
мамлакатнинг, бир қанча
халқаро ва миллий ташки-
лотларнинг, шу жумладан,
БМТ, ЮНЕСКОнинг вакил-
лари қатнашмоқдалар. Ўз-
беклар дефидидаги урғулаш-
лар хайрихоҳлик, демокра-
тилик ва тенг ҳуқуқлилик,
кинематография дунёсидagi
мавқендан қатъи назар, бар-
ча қатнашчиларга ҳурмат би-
лан қараш муҳитида ўтказиб
ёлинаётганлиги туфайли
ҳам унинг жоизба кучи ош-
моқда. IX фестивал про-
граммасига кейинги йилларда
яратилган ва янги турмушга
йўл очаётган курашувчан,
мужорларга тўла ҳозирги
дунёнинг кен, манзарасини
акс эттирган икки юзтага
яқин бадиий, ҳужжатий, қис-
қа метражли картиналар
киритилган.

Фестиваль 20 май куни
В. И. Ленин номидаги
СССР халқлари дўстлиги
саройида тантанали вази-
ятда очилди. Залда Ватанимиз
ва чет эл кино санъатининг
таниқли арбоблари, миллий
кинематографияларнинг раҳ-
барлари ҳозир бўлган.

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг
Осиё, Африка ва Лотин
Америкаси мамлакатлари IX
Халқаро кинофестивали қат-
нашчилари ва меҳмонларига
йўллаган табрикомаси да-

вомли қарсақлар билан кутиб
олиди. Уни Ўзбекистон
Компартияси Марказий Ко-
митетининг иккинчи секретари
В. П. Анисичев ўқиб
эшиттирди.

Фестиваль ташкилот ко-
митетининг раиси, Ўзбеки-
стон ССР Министрлар Совети
Раисининг ўринбосари С. У.
Султонова уч қитъа кинема-
тографчиларига билдирил-
ган эзгу тиланлар учун мин-
натдорчилик изҳор этди.

Ҳар бир софдил санъат-
корнинг бурчи ўз санъатини
халис ниятчи кишиларни
маънавий жиҳатдан бойитиш
ва ўзаро яқинлаштиришга,
дўстлик ва яхши кўшнчи-
лиқни мустаҳкамлашга хиз-
мат қилиришдан иборат,
деб таъкидлади у. Ҳозир,
уруш ҳавфи қучайган ша-
роитда бундай қилиш, ай-
ниқса, муҳимдир. Осиё, Аф-
рика ва Лотин Америкаси
мамлакатларининг тараққи-
парвар санъат усталари сиё-
сий вазиятни соғломлашти-
риш, тинчлик ва тараққиёт
кучларини активлаштириш
учун кўп иш қилишлари
мумкин. Тошкент урғулаш-
лари ҳаминша ҳозирги замон-
нинг илгор ғояларини қарор
топтириш учун курашда ки-
нематографчиларнинг куч,
гайратларини жипслагти-
ришга ижобий таъсир ўтқа-
зиб келган.

Фестиваль экранда миллий
озодлик ҳаракатининг,
мустақилликнинг зулмининг
улқотириб ташлаган мамла-
катлардаги ижтимоий ўз-
гаришларнинг кенг манзараси
тасвирланади, империа-
лизмга, янги мустақиллашчи-
ликка қарши курашнинг қу-
чайтириш зарур, деган фикр
таъкидланади. Кино санъати-
даги илгор,

КПСС XXVII съезди: сифат, самарадорлик ва жадаллаштириш



Касбини ардоқлаб

19—20 ёшлар чамасидаги йигит гиштин девор тикларди. Пастда уни кузатаётган устозига йигитнинг қаққон, энгил ҳаракатлари ёқди-ю, лекин оёғи остидаги гишт парчаларини кўра туриб бир бутун гиштин икки бўлиб ишлатгани маъқул бўлмади.

— Ноннинг увози ҳам нон, — деди Тўлқин ака, — нега атрофдаги гиштлар туриб, улоққа бутун гиштин синдириб ишлатилган?

— Бурчак силлиқ чиқсин дегандим.

— Яхши гишт терувчи тежамкор бўлиши керак. Синиқ гишتلардан ҳам бурчакни силлиқ чиқарса бўлади. — Тўлқин ака шундай деди-ю, ўзи оёқ остидаги яримта гиштилари бурчакни кўра кетди. Шогирд уялганидан ерга боқди. Бунинг севган Тўлқин ака эса унинг елкасига қоқиб, вазиятни юмшатар экан, аста деди:

— Ўғлим, ҳеч ким бирданга зўр уста бўлиб кетмайди. Фақат оғзинга кунт ва эътибор, сабр-тоқат керак нишга. Ана шундангина ишинг сифатли бўлади, исрофгарчиликка чек қўйлади.

Ҳа, 30 йилдан бери қурувчилик қилаётган Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар Дўстлиги орденлари кавалери Тўлқин ака Самановнинг поёқташмида таъминат бинокор кам бўлса керак.

Тошкент қурилиш Бош бошқармасидаги 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармасида Тўлқин ака бригадасининг олдинга тушадиганлар кам топилади. У бошчилик қилаётган 54 кишилик коллектив зарбдорлигида ишлаш намунасини кўрсатиб келмоқда. Бу бригада турли янги ташаббусларга биринчилар қатори қўйилиши, меҳнатини ташкил этишдаги янгиликларини биринчилардан бўлиб жорий этиши билан ҳам шуҳрат қозongan.

Утган беш йилликда бригадда коллективнинг икки беш йиллик топиригини бажаришга ваъда берганди. Бу ваъдасини муваффақиятли бажариб, трестдаги коллективлар ўртасидаги мусобақада ғолиб бўлди.

Айни кунларда қурувчилар партия XXVII съезди қарорларига амалий ишлари билан жавоб бериш учун йил бошидан бери социалистик мусобақани қизитган ҳолда ишлаётганлар. Коллектив бекор туриб қолишга чек қўйиб, унумли ишлаш учун икки гуруҳга бўлиниб ишлатилган. Бир гуруҳ партия ҳаракати қилса, иккинчи гуруҳ янги иморатга пойдевор қўяди. Бундай тартиб бинокорларнинг қурилиш материалларини кўтиб, бекор туриб қолмасликларига имконият яратди. Ҳозир бинокорлар Охангарон шоссеси ва Бешёғоч массивларида бўлиб этилаётган турар жой биноларида ишлайоти.

Ҳар иккала бинони ҳам муҳаббатдан анча илгари қуриб битказишга аҳд қилган бригада аъзоларининг кўпчилиги 4—5 та турдош касбларни ағаллаб олган тажрибали бинокорлардир. Коллективнинг пешқадам қурувчилари Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Б. Муҳамедов, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Ф. Валиевлар ишлари тарбиялашга алоҳида эътибор беришапти.

Муваззам пойтахтимизнинг кўчаларида юртда Тўлқин Самановнинг қалби фахрийчилик туғилурига тулади. Чунки кўкка бўй қўзиб турган улаб муҳаббат биноларида унинг бармоқ излари яширинган.

— Бугунги кунда планларни бажариш билан киёфлини етарли эмас. Планни бажариш билан бирга, сифатли иш бажариш, тежамкор бўлиш, ёшларни тарбиялаш масалаларига эътибор бериш лозим, — деди Тўлқин Саманов.

Ҳа, бригада бинокорлари ҳам ўз етакчилари айтганидай меҳнат қилишапти. Уларнинг меҳнатини ташкил этишдаги, материалларни тежаш ва ёшларни тарбиялашдаги тажрибасини бошқалар ўрганса арзийди.

С. СУЛТОНОВ.

Юксалиш омили

Шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли босмаҳона ишлаб чиқариши бўлган бадий конструкторлик-технология бюроси Собир Раҳимов райондаги пешқадам корхоналардendir. Бу корхона бунёд этилганга кўп бўлмаганга қарамай ишлаб чиқаришни юксалтиришда катта ютуқларни қўлга киритяпти. Масалан, корхона бундан ўн йил муқаддам ишга туширилган пайтларда йил мобайнида 350—600 минг сўмлик ҳажимда маҳсулот тайёрлаганди. Бу йил коллектив 2 миллион 600 минг сўмлик маррени мўлжаллаб турибди. Бу демок, ўтган ўн йил мобайнида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми беш баравар ўсди.

Коллектив, айниқса ўтган беш йилликда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ўн биринчи беш йиллик топиригини тўрт йилда бажариб, мусобақа ғолиби сифатида Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасининг кўйма Қизил байроғи билан тақдирланди. Мана бир неча йилдирки, корхона номи республикада «Хўрмат тахтисидан тўшмай келаяпти».

Коллектив бундай юксалишга ишчилар ўртасида ўзаро мусобақани авж олдириш, техника таракқийти йўлини изчил давом эттириш, буюртмачилар эҳтиёжини яхши ўрганиб, харидор буюмлар ишлаб чиқариш орқали эришмоқда.

Корхонада маҳсулот реализация қилиш бўйича тўрт ойлик топириқ 103 процент эди. Коллективнинг шу кунгача буюртмачиларга етказиб берган маҳсулоти 1 миллион сўмликдан ортиб кетди.

Тўрт ойлик якуни бўйича ишчилар ўртасидаги мусобақада муқоваловчи, шаҳар Совети депутати Екатерина Ганкевич, альбом тайёрловчи Қозим Ёқубов, печатник Аркадий Галкин пешқадамлик қилдилар.

Ҳозир корхонада қозғ буюмлар ва қадоклаш буюмлари ишлаб чиқариладиган цехлар реконструкция қилинапти. Бу иш амалга оширилган, маъмур цехлардаги ишчиларнинг меҳнат шоярларини яхшиланади ва корхона йилга 3,5 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш имкониятига эга бўлади.



Тошкент химия фармацевтика заводининг гален цехи коллективининг меҳнат муваффақиятларида ёш аппаратчи, комсомол аъзоси Мансур Алимовнинг муносиб ҳиссаси бор. У зиммасидаги вазифага юксак масъулият билан муносиб даражада билим, ҳақдаги барча аппаратларнинг техник жиҳатдан ҳаммаси соз бўлишини, таъминлаётти.

СУРАТДА: илғор аппаратчи Мансур Алимов, М. Нурдинхон фотоси.

МУСОБАҚА ОММАВИЙ ВА ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН



Мўтабар Тўлағанованинг ўрта мактабни битириб «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг офсет босма фабрикасида ишга келганга тўрт йил бўлди. Бу ёш ишчи мастер В. Рафқов раҳбарлигида китоб varaқларини қаватлаб тикшиш касбини пухта ағаллаб олди. Ҳозир у Н. Маждова бошлиқ комсомол ёшлар бригадасида меҳнат қилиб, смена топириқларини мунтазам 129—125 процента етказиб адо этипти.

СУРАТДА: илғор ишчи Мўтабар Тўлағанова.

Т. Каримов фотоси.

Беллашганлар

Мамлакат Аҳмедованинг «Коммунистик меҳнат коллективи» номи билан бригадаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-филиалида илғор чарвабондир. Бригаданинг 48 аъзоси бўлиб, улар 8-цехда меҳнат қилишади. Чеварлар асосан эркакларнинг чарм курткасини тикишади.

Бригада аъзолари ўтган йилги маҳсулот тайёрлаш планини мўддатидан икки ҳафта олдин бажариб, пландан таъқирни 1835 та куртка тайёрлашганди. Бу тикувчиларнинг интизомлилиги, меҳнатга онгли ёндошиши натижаси бўлди. Бригада чеварларнинг қўли билан тайёрланган маҳсулотнинг аксарияти аъло баҳолар билан топириляпти. Бу коллектив ўтган йилги республика енгил саноат корхоналаридаги комсомол-ёшлар бригадалари ўртасидаги мусобақада биринчи ўринни қўлга киритди. Бундан таъқир улар бирлашмада «КПСС XXVII съездида» — 27 зарбдор ўн кунилик» ширини остида ўтган съездоли мусобақасида ҳам фаол қатнашиб, иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Ўтган йилги самарали меҳнат, бу йилги ютуқларга яхши замин ҳозирлади. Коллектив биринчи қавар планини 105,1 процент адо этганди. Апрель ойи топиригини ҳам мўддатдан аввал бажарибди. Бунда илғор чеварлар Шаҳодат Умарова, Муҳаббат Абдураманова, Марғуба Раҳматоваларнинг катта гайрат-шиқоват билан меҳнат қилиш мўҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар айна кунларда кунилик ва ойлик нормаларини



Уч китъа кино усталарининг кўриги

Фестиваль меҳмонлари


Кампучия киноси

Кино оламига эндигина кириб келатган ёш, ўткир сюжетларга бой, замонавий проблемаларни кўтариб чиқаётган кино олами — Кампучия миллий кинематографиясидир. Кампучия миллий кинематографияси 50-йилларнинг ўрталарида шакллана бошлаган. У пайтда мамлакатда атғи бир неча кичик шахсий кино ишлаб чиқариш кинокаманиялари бўлиб, бундан ташқари 1955 йилда «Кхемара Пикчес» давлат студияси қирол қуролли кучлари бош штаби қўшида ташкил этилди. Бу студияни кинооператор Сом Сам Ал бошқаради. Дастлабки 10 йил мобайнида суратта олинган фильмларнинг аксарияти бадиий савияси пастлиги ва сериузонлиги билан паст баҳоланади. Бунга сабаб улар доим тақдир қилиш йўли билан кино ишлар эдилар. Фильмлар сюжети тарихий афсоналар, мелодраматик кечинмалар, эртаклар воқеасидан иборат эди. Айниқса, дастлабки фильмларда 13 тагача рақс ва қўшиқларни бир фильмга киргизиш кхмер лентасининг характерли кўриниши ҳисобланарди. Фильмлар 16 миллиметрли пленкага суратга олинди, Францияда қайта ишланар ва тиражларга қайта кўчирилди эди. 60-йилларнинг ўрталарида Кампучия киноси янги бурлиш йўлига ўтди. Улар ватанпарварлик темасига қўл уришди. Шу йўл билан кхмер адабиётининг энг дурдона классик асарларини экранлаштира бошладилар. Кинематографчилар уюшмаси шундай тематик план билан йилга 30 га яқин фильм ишлаб чиқара бошладилар. 1965-1970 йиллар орасида Кампучияда «Алсара», «Кичик қирол», «Хайт шодлик», «Анкор устида бўлди», «Роза Вокора» каби қатор фильмлар суратга олинди. Бу фильмларнинг аксариятида беш наҳсонролларида қирол оғласи аъзолари, давлат аппарати ходимлари суратга тушишди. Инқирчиллик маҳорати, техникаси ва бадиий савияси унчалик юқори бўлмаганидай фильмларнинг эришган ютуқ даражаси ҳам қувончли бўлмади. Бу фильмлар Кампучия жамиятининг социал проблемаси, турмуш тарзининг бирор қиррасини намоён этишга уринмай фақат унинг жамоллини эртаклардагидай кўз-қў қилишга уринди холос. Кхмер кинематографияси Пол-Пот ҳукумати иш кўра бошлагач,

ўз фаолиятини тўхтатди, дейиш хато бўлмаган бўлур эди. Барча кино асҳақлари мажмақлашиб сафдан чиқарилди, кинотеатрлар ёпилди, кино арбоблари «халқини сузувчилар» сифатида йўқ қилиб ташланди. Фақатгина Кампучия Халқ Республикаси барпо этилгандан кейин маданият ва санъатни қайта йўлга қўйиш ҳақида кенг ва амалий ишлар олиб борилди. Миллий кинематографияни оёққа турғизилишнинг шоянчилик чоралари кўрилди. Информационий матбуот ва маданият министрида кинематография бошқармаси ташкил этилди. Бу бошқармани тажрибали кхмер кинематографисти, 50-йилларда Францияда кино таълимининг олган Иссу Поннакар бошқара бошлайди. Давлатда инкнтия киногруппа иш олиб боради. Улар беш йил давомида Вьетнам Социалистик Республикасининг катта ёрдами билан 34 та қисқа метражли хужжатли ва хроникаль фильмлар суратга олдидилар. Бу картиналар Кампучия халқининг матонатли кураши ва янги ҳаётга қайтиши темаларини ўз сюжетига асос қилиб олди.

Эндигина турлиган Кампучия киноси Москва, Тошкент, Лейпцигларда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалларда қатнашишга улгурди. 1980 йилда Лейпцигда бўлиб ўтган кинофестивалда «Кампучия: 3+4» номли фильм бош соврин — «Олтин кабулар» билан мукофотланди. Бу картина кхмер халқининг миллий овозлиқ ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилади. 1981 йили эса Москвада бўлиб ўтган XII халқаро кинофестивалда Иссу Поннакарнинг «Сенинг исминг нима, болакай» деб номланувчи, Кампучия болаларининг Пол-Пот ҳукумати унсури режимини давридаги аянчи ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм фестивалнинг олтин соврини билан мукофотланди. Кампучия кинематографияси ҳозирги кунда сезиларли кийинчилликларни бошидан кечирмоқда: кино ишлаб чиқариш техникасининг ниҳоятда камлиги, тажрибали киноарбоблар, профессионал киноактёр ва режиссёрларнинг йўқлиги сезилмоқда. Мамлакат киносанъати олдига бир тема турибди, у ҳам бўлса — Батан фаровонлиги йўлида тинч меҳнат қилётган бунёдкор халқ ижоди темасидир.

О. НУРМАТОВ.



Республикаимз пойтахтида тўққизинчи марта ўтаётган Оснб, Африка ва Лотин Америкас мамлакатларининг IX Халқаро кинофестивали чин маънода ижодий кўрик ва дўстона мулоқотлар аниқлигига айланиб қолди. Кино халқлар ўртасида тинчлик, бирдамлик ва дўстлиқни

Танишинг, фестиваль фильмлари

Кадрларда— ўтмиш ва бугунги кун

Ўзбекистон кинематографчилари Халқаро Тошкент кинофестивалларининг мезбонларига эмас. Уч китъа экран усталарининг ҳар бир аниқлиги улар фаолиятининг ижодий кўриги ҳамдир.

Бу сафарги фестиваль доирасида намоён этиладиган картиналар орасида Ўзбекистон илмий-оммабон ва хужжатли фильмлар студиясининг ленталари ҳам бор. Кино кўриклари орасидаги даврада бу ерда юздан зиёд фильм суратга олинди. Ана шулар орасидан ўзбек кинохужжатчилари фаолияти ва ижодий изланишларини акс эттирувчи фильмлар танлаб олинган.

Режиссёрлар Х. Жўраев ва В. Латифнинг «Афғонистон: 85-йил кузи» деб номланган, халқорликда яратилган совет-афғон лентаси Афғонистондаги революцион ўзгаришларга, мамлакат халқининг янги ҳаёт учун машаққатли курашига бағишланган «Ер ислохоти», «Афғонистон: революция давом этмоқда», «Республикага ким ўқ узаяпти?» туркум фильмларининг давомидир.

Д. Салимов ўз картинасини Сталинград жанги қурали афсонавий «Лейтенант Павлов уй»нинг хилофчиликларида бири — наманганлик механикатор Камол Турғуновга бағишлаган. Республика кинематографияси оқсоқоли М. Қасимовнинг «Ўғил, назира, авара» фильми ривожланиш сопол буюмлари устаси Шарофиддин Юсупов тўғрисидаги, унинг ижоди тўғрисидаги лирик ҳикоядир. Уда авлоддан авлодга ўтди борувчи халқ усталарининг аънавалари қузадиларди.

Фестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари, шунингдек Р. Раҳимовнинг республикаимз экномикаси ва маданият ҳаёти кенг манзарасини оқиб борувчи «Ўзбекистон—85» лентасини, С. Этайнинг ўлкаимз ҳайвонот оламига бағишланган «Серсокол» картинасини ва Н. Азимовнинг «Ўзбекистон оҳангли ва бўёқлари» музикали фильмининг ҳам кўрадилар.

В. ПУЛАТОВ.

Ижодий портрет

БЕТАКРОР УСЛУБ СОҲИБИ

Таниқли кирғиз режиссёри Толомуш Оқеевнинг «Оқ қоплон авлоди» янги фильми ҳақида жуда кўп гапирилмоқда ва мунозира бўлмоқда. У фақат совет кинематографиясиде эмас, жаҳон кинематографиясиде ҳам воқеа бўлиб қолди. Утган йили Москва кинофестивали олдидан Габрий Берлин фестивалининг «Кумуш айик» соврини шу фильмга берилганини тасодиф эмасди. Шунинг ҳам айтиш керакки, «Оқ қоплон авлоди» лентаси бу кино устасининг ягона муваффақиятли фильми эмас. Эхтимол, унга томошабинларнинг бошқа фильмларига бўлган катта меҳри энг асосий соврин ҳисобланар. Дарҳақиқат,

ҳозирги совет кинематографиясини бир неча халқаро кинохужжатларнинг мукофоти қатори сазовор бўлган шу режиссёрнинг ленталарисиз тасавури этиб бўлмайди. Т. Оқеев Ленинград киноинженерлари институтини тугатгандан сўнг олган билимнига мувофиқ овоз оператори сифатида фаолият бошлади. Бу вазифани Лариса Шепитконинг «Жазирала» фильмида амалга оширди. Режиссёрлик фаолиятини эса олий режиссёрлик курсини битирганидан кейин «Бу—оталар» фильмининг яратиш билан бошлади. Шу фильмда бўлмакан машҳур режиссёрнинг ўзига хос бетакроп услуби кўзга ташланди.

Бизга оддий туялган ҳодисалар, буюмлар, нарсаларни лирик оҳангда талқин қилиш хислати яққол кўзга ташланди. Унинг «Болаларимиз посбони», «Қизил олма», «Олтин куз», «Улан» фильмлари чуқур лиризм ва фалсафий фикрларга бой. Т. Оқеев Чингиз Айтматовнинг прозасига бекорга мурожаат қилгани йўқ.

Ч. Айтматов ўз навбатида Толомуш Оқеевнинг ижодида юксак баҳо берди. Тошкент кинофестивалларининг бирида у Оқеевни миллий кинематографияда ажузга келатган янги тўққизинчи энг талант-

Тошкент—янги аънаналар шахри

Тинчлик барқарор бўлсин



ва муқаддаслигини бутун вужуди билан ҳис қилади.

Шахримиздаги 72-мактабда Конституция маҳалласи уруш ветеранлари иштирокида ўтган «Баҳор ва тинчлик байрами» йиллиги шундай эзу рамазийлик билан бошланди. Маълум уруш жангу жадалларида музаффар қўшинларимиз сафидан мислсиз матонат кўрсатиб, фашист босқинчиларини тор-мор этишда қатнаш-

ган Т. Алимов, Н. Климов, М. Хўжаев, В. Қозық, Р. Тогаев, К. Белов, Қ. Орипов ва тантанали йиллигида сўзга чиққан бошча уруш ветеранлари бугунги фаровон турмушимизга осонликча эришилгани, шу бондан ҳам Тинчлик барчага бирдек азизлиги, уни сақлаб қолиш учун кураш ҳар бир кишининг бурчи эканлиги ҳақида гапирди.

Сўнгги уруш ветеранлари В. И. Ленин майдонига боришиб, дохий ҳайкали пойига, Номанғулум

солдат қабрига гуллар қўйишди.

Кейин ветеранлар маҳалла комитети ҳовлисида тўпландилар. Улар тўқтин дасгусторхон атрофида суҳбат қуришди. Айниқса, Зебо Ғаниева номидаги Улуғ Ватан уруши пайтида фронтларда жангчилар ҳузурда концерт берган санъаткорлар бригадаси ташрифи буюрганда гурун яна жонланиб кетди. Санъаткорлар ўша оғир давларда жангчиларимизни ҳужумга, ғалабага руҳлантирган қў-



шиқларни ижро этганларида бутун йилги аҳли уларга жўр бўлди.

— Янгида бутун совет халқи ва дунёдаги барча прогрессив инсоният Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк

Ғалабанинг 41 йиллигини кенг нишонлади. Шу ажойиб кунларда ер қуррасидаги тинчликсевар кишилар «Урушга йўл йўқ!» дея баралла хитоб қилмоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки Оқ уй раҳбарлигидаги ғарб доиралари агрессив хатти-ҳаракатларга ҳамон хуруж қилмоқда,— дейди Конституция маҳалла комитети раиси Ҳидоят ота Нейматов (Пастда, чапдаги сурада — ўнг томонда). — Биз малъун урушнинг барча кулфатларини бошимиздан кечирдик. Унинг тақдорларини истамаймиз. Бунинг учун эса Тинчлик керак. Партия ва ҳукуматимиз бу борада соҳибқадамлик билан иш олиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу йилни Халқаро тинчлик йили деб эъ-

лон қилди. Биз ветеранлар шу йилдан Тинчлик асри бошланса дея ният қиламиз, бугунги йилгишимизнинг муқаддас мақсади ҳам шу. Ҳа, империализм қорчалонлари ҳамон қуролланиш пойгасига зўр бермоқда. Сайёрамиздаги барча тинчликсевар кишилар бундан гоътада ташвишланмоқдалар. Зеро, Конституция маҳалласининг уруш ветеранлари айтмоқчи эзгулик ҳаммиса ёвузлик устидан ғалаба қозонганидек, Тинчлик барқарор бўлади, албатта!

Е. АЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Баҳор ва тинчлик байрами» тавтасидан лавҳалар. В. Натанов фотолари.

Редактор

Т. М. ҚОЗҚОБОВ.

Самода оппоқ набуларлар чарх уриб, парвоз этишмоқда. Улар бепоён ва мусаффо осмон қўйнида олис-олисларга парвоз қилишмапти, балки ерда ўларини кузатиб турган соҳ-соқолига киров тушган кишилар, қоп-қора кўзлари порлаб турган ўқувчилар боши узра парвозна.

Тинчлик тимсоли бўлган бу набуларлар 72-мактаб ҳовлисида мусаффо осмон сари қанот қоқишди. Тинчлик эъчиларини шахримиздаги Фрунзе райони Конституция маҳалласида истиқомат қилувчи Улуғ Ватан уруши қатнашчилари учирди. Зеро, уруш даҳшатини ўз кўзи билан кўрган ва фашизм вабосини ўз қўли билан қирган бу кишилар Тинчлиكنинг нақадар азиз



реклама эълонлар реклама

Ўқишга марҳамат!

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
А. НАВОИЙ НОМИДАГИ Ўзбек давлат академик катта театри қошидаги
ЎЗБЕКИСТОН ХОРЕОГРАФИЯ БИЛИМ ЮРТИ
1986—87 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Хореография билим юрти опера ва балет, музикали комедия театрлари, халқ рақс ансамбли, эстрада ансамбллари учун балет артистлари тайёрлайди.

Профессионал қобилиятга эга бўлган иккала жинсдаги болалар қабул қилинади.

Классик рақс бўлимига 8 йиллик ўқиш муддати билан — ўқишга қираётган йилда ўрта мактабнинг 3-синфини битираётган болалар (9-11 ёшлар);

Халқ рақси бўлимига (ўқиш муддати 5 йил) — ўқишга қираётган йилда ўрта мактабнинг 6-синфини битираётган болалар.

Хореография билим юртига қабул қилиш тўғрисидаги аризага ўқишга кирувчиларнинг ота-оналари томонидан билим юрти директори номига ёзилади.

Ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги аризага қўйиладиган ҳужжатлар қўшиб тақдим этилади: ўрта мактабнинг тегишли синфини битиргани тўғрисида справка, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, 3 донга фотосурат (3х4 см), медицина справкиси (286-форма).

ЭЪЛАТМА: ариза ва ҳужжатлар ўқишга кирувчиларнинг ота-онаси томонидан шахсан тақдим этилади ёки почта орқали буюртмалар пакет тарзида жўнатилади. Юбориладиган ҳужжатлар билан жўнатувларнинг аниқ адреси қўшиб юборилмоғи зарур.

Хореография билим юртига аризалар 25 майгача қабул қилинади, кириш имтиҳонлари 26 майдан 15 июнгача.

Хореография билим юртига ўқувчилар қабул қилиш уч даврада ўтказилади:

1-ДАВРА — ташқи саҳна қобилиятларини аниқлаш (юзи, танаси, жисмоний тузилиши ва шу кабилар) ва профессионал маҳоратини кўздан кечириш (эпичиллиги, кўтарилиши, қадам босиши, сакраши, нафислиги);

2-ДАВРА — медицина комиссияси (скелети ва мушаклари тузилишига, асаб системаси ҳолатига, юраги, ўпкаси, вестибүллар аппарати, қўриш қобилиятига алоҳида эътибор берилади);

3-ДАВРА — болалар бадний комиссияси кўригидан ўтказилади (рақс қобилияти, музикаийлик, маром сезгирлиги, ифодавийлиги белгиланади);

Ҳар бир кейинги даврага олдинги даврдан муваффақиятли ўтганлар қабул қилинади.

Қўриш натижалари асосида қабул комиссияси хореография билим юртига қабул қилиш тўғрисида қарор чиқаради.

Классик рақс бўлими ўқувчилари ўқишнинг 6-йилдан бошлаб, халқ рақси бўлими ўқувчилари эса ўзининг 8-йилдан бошлаб стипендия олади.

Хореография билим юртига қабул қилинган ва 10 сентябргача узрли сабабларсиз машғулотларини бошламаган болалар ўқувчилар сифидан чиқариладилар.

Ҳужжатлар 11-даврадан сўнг тақдим этилади.

Интернат мавжуд.

Қабул комиссияси 26 майдан 15 июнгача ишлайди.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Педагогическая кўчаси, 31-уй. Телефонлар: 56-24-36, 56-33-27.

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРЛИГИНИНГ

2-ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1986-1987 ўқув йили учун

қўидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқувчилар қабул қилади

кундузги бўлимига:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ, БОЛАЛАР ПРОФИЛИДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ.

Ўқиш муддати бир йилу 10 ой.

ФЕЛДШЕРЛАР.

Ўқиш муддати икки йилу 6 ой.